

**ХУРСАНД КАРИМОВ**

# **Орзулар қанотида**

*(шебърлар)*

**НУКУС  
«ҚАРАКАЛПАҚСТАН»  
2008**

84(55)6-5

Хурсанд Каримов. ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА (шеврлар)  
Нукус: «Қарақалпакстан» нашриёти, 2008. 16 бет.

Хурсанд Каримов Элликкальға тұманида туғилған. 2006-йылдан О. Худайшукуров номидаги санъат ва педагогика колледжи талабаси. 2007-йил Жиззахда ўтказилған ёш ижодкорларнинг «Замин семинари» иштирокчиси. «Орзулар қанотида»—авторнинг илк түпнами.

*Китоб Элликқалъа санъат ва педагогика колледжи  
маъмурияти қўллаб-қувватлаши билан чоп этилди.*


10 34686  
Ю 34686  
Ogj

## МУНДАРИЖА

Ўзбекистон.....	3	Келакол, янги йил.....	10
Қоракалпоғим.....	3	Ўз севгани бор киз.....	11
Бўстоним.....	5	Дильноза.....	11
Онажонимдан айрма.....	6	Сени севмай бўларми.....	12
Сендан сўрашмас.....	7	Сирли бокишиларингдан.....	13
Отажан.....	7	Кайга бораман?.....	13
Мустакиллик.....	8	Махлиё.....	14
Бу кун ўтар.....	9	Шу заҳот.....	15

S 4803270201 B—2008  
M 357 (04) — 2008

ISBN 978 - 9943 - 346 - 34 - 5



© «Қарақалпакстан» нашриёти—2008

## **ЎЗБЕКИСТОН**

Ҳур ўлкам, диёrimсан Ўзбекистон,  
Дунёни яшнатган тенгсиз гулистон.  
Ҳар кунингда битилар минг бир достон,  
Жаҳонда мафтункор, чиройли бўстон.

Бу дунёда кўпdir гўзал диёрлар,  
Кўпdir бу жаҳонда тенгсиз гулзорлар.  
Лекин, Ўзбекистон ватаним, сенинг  
Ҳар бир кафт тупроғингга улар зорлар.

Серсув дарёларинг тинмай оқади,  
Мусаффи осмонинг гузалдур доим.  
Хуснингга дунё маҳлиё боқади,  
Чунки сенга назар солган Ҳудойим.

Дунёда барча юртлардан гўзалсан,  
Доим йўлимизга сочилган зарсан.  
Кучоғингда яшармиз қайғу-ғам йўқ,  
Ҳардам тенгсизсан, ўқтам, мўзаффарсан.

## **ҚОРАҚАЛПОҒИМ**

Қанча давонълардан ошган Туронсан,  
Қудрати шамолдек тўфон суронсан,  
Бағри баҳорларга тўла маконсан,  
Дилимда сақлаган тенгсиз ардоғим.  
Жаннатдан яралган Қоракалпоғим.

Кўзидан тарқалур меҳр учқуни,  
Зинхор бўлмагайдир қаҳр тутқуни,

Үтмиши, эртаси, ёруғ бугуни,  
Қўлида хилпирав хурлик байроғим.  
Жаннатдан яралган Қорақалпоғим.

Кўксида вафодан күёшлари бор,  
Ток недир осмондек бардошлари бор,  
Кар ёнида жондош, дилдошлари бор,  
Нурлардан келган бу уруғ аймоғим.  
Жаннатдан яралган Қорақалпоғим.

Ким билмас Кунхўжа улуғ аждодни,  
Ажиниёз дилда буюк баётни,  
Бердақ бобом номи мангуда ҳаётни,  
Оlam сиғар агар очса қучоғим.  
Жаннатдан яралган Қорақалпоғим.

Сенинг ўзбек билан қонинг бир эзур,  
Кўксингда юрагинг жонинг бир эзур,  
Шухратинг, шавкатинг, шонинг бир эзур,  
Биринг кош бўлсангиз бириңг қароғим.  
Жаннатдан яралган Қорақалпоғим.

Гиёҳларга макон нурли даладан,  
Эртанг яралмоқда буюк палладан,  
Үтмишингни изла Элликқалъадан,  
Аёзу, Гулдурсин, Кирккиз, Тупроғим.  
Жаннатдан яралган Қорақалпоғим.

Доим меҳр балкийди кўзингга борман,  
Мудом тинчлик дейсан, сўзингга борман,  
Эл учун тинмайсан ўзингга борман,  
Мактайверсам сира етмас адогим.  
Жаннатдан яралган Қорақалпоғим.

Шундай халқим бор бизга тахтдир ўзи,  
Ватанин деб курашга шахтдир ўзи,  
Хурсанд учун энг олий баҳтдир ўзи.  
Отам дейму Онам ёки ўртоғим.  
Жаннатдан яралган Қорақалпоғим.

## БҮСТОНИМ

Мудом баҳор шамолидир  
Боғ эрам жаннатинда,  
Бу жаҳоннинг кўрки бордир  
Тенги йўқ савлатингда,  
Билмам сеҳрлар бормикан  
Ё гўзал сийратинда,  
Саҳроларнинг ўртасида  
Маржонмисан, дурмисан.  
Эй, Бўстоним, ҳурлар ичра  
Ўзинг танҳо хурмисан?

Бир зумда бу осмонларга  
Етиб қолибди бўйинг,  
Юксакликка интилишдир  
Доим хаёлинг, ўйинг:  
Жамолига!  
Камолига!  
Кўз тегмасин деб қўйинг,  
Саҳроларнинг ўртасида  
Маржонмисан, дурмисан.  
Эй, Бўстоним ҳурлар ичра  
Ўзинг танҳо хурмисан?

Самодаги ойдек бизни  
Юксакликка чорлаган,  
Эли учун, ҳалки учун  
Доим йўғин борлаган,  
Билармисан сенга баҳтни  
Тангрим ўзи ёрлаган  
Саҳроларнинг ўртасида  
Маржонмисан, дурмисан.  
Эй, Бўстоним ҳурлар ичра  
Ўзинг танҳо хурмисан?

Бир ёнинг Тупроккальъадир,  
Бир ёнинг Қабаткалья,  
Бир ёнингда Ақчакўл—у  
Бир ёнинг нурли дала,

Барча эрур мужассам  
Бўлиб бир Элликкалья,  
Саҳроларнинг ўртасида  
Маржонмисан, дурмисан.  
Эй, Бўстоним, ҳурлар ичра  
Ўзинг танҳо хурмисан?

Бу жаҳон узра етгулик  
Мехр бордур қучогинда,  
Халкинг яшар фаҳрланиб  
Доим шу ардоғинда,  
Хатто буюклар сайдра  
“Ижодкорлар боғи”нгда  
Саҳроларнинг ўртасида  
Маржонмисан, дурмисан.  
Эй, Бўстоним, ҳурлар ичра  
Ўзинг танҳо хурмисан?

Неча—неча буюкларнинг  
Кудрати бор бу элда,  
Эзгуликда юксалишдек  
Нияти бор бу элда,  
Яратганинг тилаб берган  
Неъмати бор бу элда  
Саҳроларнинг ўртасида  
Маржонмисан, дурмисан.  
Эй, Бўстоним, ҳурлар ичра  
Ўзинг танҳо хурмисан?

Халкинг буюклик йўлига  
Белин маҳкам боғлаган,  
Юраида тинчлик деган  
Улуф сўзни ёқлаган,  
Шу юрт фарзандиман деб  
Элинг кўнглини тоғлаган,  
Саҳроларнинг ўртасида  
Маржонмисан, дурмисан.  
Эй, Бўстоним, ҳурлар ичра  
Ўзинг танҳо хурмисан?

Боболарим қонида бор  
Ахди бордир тенги йўқ,  
Юрагида шамол каби  
Шаҳди бордир тенги йўқ,  
Бу Хурсанднинг қучогингда  
Бахти бордир тенги йўқ  
Саҳроларнинг ўртасида  
Маржонмисан, дурмисан.  
Эй, Бўстоним, хурлар ичра  
Ўзинг танҳо хурмисан?!

### ОНАЖОНИМДАН АЙИРМА

Хеч ҳам кетгим келмас иссиқ бағридан,  
Онамнинг дарёдек тошқин меҳридан.,  
Мен учун асраб дунёнинг қаҳридан,  
Онажонимдан айрма Оллоҳим.  
Меҳрибонимдан айрма Оллоҳим.

Таъзим килиб канча хизмат қилсам ҳам,  
Барибир қилганимнинг барчасидир кам,  
Фамимга ҳар бир ширин сўзлари малҳам,  
Онажонимдан айрма Оллоҳим.  
Жонаажонимдан айрма Оллоҳим.

Дунёда канча фарзанд меҳрга зор,  
Қанчалаб оналар фарзандсиз хор,  
Онамсиз менга бу кенг жаҳон тор.  
Онажонимдан айрма Оллоҳим.  
Қадрдонимдан айрма Оллоҳим.

Қалбида барчага бордир садокат,  
Она факат биз учун килар токат,  
Шунча азоб кўрди кўрсинлар роҳат,  
Онажонимдан айрма Оллоҳим.  
Меҳрибонимдан айрма Оллоҳим.

## **СЕНДАН СҮРАШМАС**

Хаёт давом этар сендан сўрашмас,  
Бахт келарму кетар сендан сўрашмас.  
Ким орзуга этар сендан сўрашмас,  
Умринг шундай ўтар, сендан сўрашмас.

13

Кимдир ҳаёлда вақт ўтганин сезмас,  
Кимдир ёнида бахт кутганин сезмас.  
Ким ўзидан омад кетганин сезмас,  
Кимга нени битар, сендан сўрашмас.

Гўзал онлар кутиб турса ҳам сени,  
Шодлик вужудингда юрса ҳам сени.  
Тақдир ҳар ёнларга бурса ҳам сени,  
Бахор, ё куз ўтар, сендан сўрашмас.

Умринг ўтаверар тинмай шу онда,  
Гоҳ ғам, гоҳо қувонч бошга фармонда.  
Ким яшар орзуда, кимдир армонда,  
Хаёт нени истар, сендан сўрашмас.

Шундай қизик экан дунё ишлари,  
Гоҳо рўёб бўлар кимнинг тушлари.  
Аста ўсар эзгуликнинг нишлари,  
Лекин умринг ўтар, сендан сўрашмас.

## **ОТАЖОН**

Қўш соҳил бўлбўли бўлган,  
Улуф устозим Отажон.  
Тўй-байрамлар гули бўлган,  
Улуф устозим Отажон.

Номингиз дилларда ўлмас,  
Сиздек устоз қайта келмас.  
Сизга меҳр асло сўнмас,  
Улуф устозим Отажон.

Ўзбек, татар, коракалпок,  
Эллар килар сизни ардок.  
Саънатимизда сўнмас чирок,  
Улуғ устозим Отажон.

Чертган тори жонга дармон,  
Эшитмаган килган армон.  
Кўшиклари чексиз осмон,  
Улуғ устозим Отажон.

Овози фалакка етган,  
Тун кунга айланиб кетган.  
Комилжон қўлидан тутган,  
Улуғ устозим Отажон.

Юртим жамолин куйлаган,  
Ватан камолин куйлаган.  
“Жайхун шамолин” куйлаган,  
Улуғ устозим Отажон.

Эрта тонг уйғониб кетдим,  
Мен хам сизга қўшиқ битдим.  
Рухингиз қўллашин кутдим,  
Улуғ устозим Отажон.

## МУСТАҚИЛЛИК ДЕГАН ГЎЗАЛ

Юртим, сени жамолингни,  
Кўрган кўзлар қамашар.  
Сенга факат гулла-яшна,  
Деган сўзлар ярашар.

Сенда баҳтини излаган,  
Ойдек юзлар ярашар.  
Факат тинчликдан сўзлаган,  
Одил сўзлар ярашар.

Тинчлик уфраг баданингда,  
Нур таралар масканингдан,

Мехр билан хар чаманингдан,  
Ўтган излар ярашар.

Доим суюнган суюгинг,  
Кўксингда урган юрагинг,  
Сени нурдай келажагинг,  
Ўғил-қизлар ярашар.

Боғларда шамоллар майин,  
Ифорлари лоладайин.  
Ўн олти ёш боладайин,  
Ширин хислар ярашар.

Дарёларинг тиниқ зилол,  
Чаманларинг tengsiz хилол.  
Кенг дастурхонингда халол,  
Нону-тузлар ярашар.

Гўзал тонига бўлиб маҳтал,  
Битди Хурсанд ўғлинг ғазал.  
Мустакиллик деган гўзал,  
Мангу тўйлар ярашар.

## БУ КУН ЎТАР

Эй, банда умр ғамларидан йиғлама,  
Бир кун хаёт шодлигига тўларсан.  
Юрагинг ғамлама, қалбинг тиғлама,  
Бу кун ўтар, кўрмагандек бўларсан.

Хижронларга тўлса юрак хисларинг,  
Гоҳо кузги ҳазон гулдек сўларсан.  
Бунчалар ғамгинли килма кўзларинг,  
Бу кун ўтар, кўрмагандек бўларсан.

Гоҳода кўлингда давлатинг бўлса,  
Кўкрак кериб ўзни ойда кўрарсан.  
Яратганинг синаб гар сабри тўлса,  
Бу кун ўтар, кўрмагандек бўларсан.

Гохида яшашга маъно топилмас,  
Шў он калбингни беаёв тиларсан.  
“Оккан дарё окар” олди ёпилмас,  
Бу кун ўтар, кўрмагандек бўларсан.

Доим вафо килиш инсонларга хос,  
Жафодек хасратни нима қиласан.  
Бир кун дерсан: Хурсанд айтганларинг рост  
Бу кун ўтар, кўрмагандек бўларсан.

Эй, банда умр ғамларидан йифлама,  
Бир кун хаёт шодлигига тўларсан.  
Юрагинг ғамлама.калбинг тиғлама,  
Бу кун ўтар, кўрмагандек бўларсан.

## КЕЛОҚОЛ ЯНГИ ЙИЛ

Табиат сехридан лол қолибман мен,  
Юрак эса сўрар билмадим нени.  
Жонимнинг интикиб кутганисан сен,  
Келақол янги йил соғиндим сени.

Юрагим тафтингдан жўшиб кетдику,  
Ўйимга ўйларни кўшиб кетдику,  
Болалик ёдимга тushiб кетдику,  
Келақол янги йил соғиндим сени.

Сен каби тозадир номусу-ор ҳам,  
Изхорин айтади, суюкли ёр ҳам,  
Сен билан келади биринчи кор ҳам  
Келақол янги йил соғиндим сени.

Осмон булут дилда қуёш чараклар,  
Юрагим соғинч дафтарин вараклар,  
Совук келди эшик тарак-тараклар,  
Келақол янги йил соғиндим сени.

Қархинг жонга ёқар баҳордай майин,  
Ўйлагим келар эҳ, ўйлаган сайин.  
Эй, Хурсанд кел яна бир оз кутайин,  
Келақол, янги йил соғиндим сени.

## ҮЗ СЕВГАНИ БОР ҚИЗ.

Мен сени энг биринчи курган чоғда,  
Орзу қилғандым: бўлсинг менга ёр қиз.  
Лекин кетдинг мени қолдириб доғда,  
Қайлардасан, эй, ўз севгани бор қиз.

Дилда түғёнлар бўй сунмаса нетай,  
Хислар айриликка кўнмаса нетай.  
Қалбда мухаббатим сунмаса нетай,  
Қайлардасан, эй, ўз севгани бор қиз.

Қанчалар ишқингда зор бўлдим ўзим,  
Сен учун хар нега бор бўлдим ўзим.  
Чексиз армонларга ёр бўлдим ўзим,  
Қайлардасан, эй, ўз севгани бор қиз.

Нетайин иложсиз изларинг изладим,  
Дилга тинчлик бермас сўзларинг изладим.  
Кўзим қамаштирган кўзларинг изладим,  
Қайлардасан, эй, ўз севгани бор қиз.

Хижронларингдан куйиб-ёндим нетай,  
Гоҳ-гоҳида дунёдан тондим нетай.  
Ахир бошим олиб қайларга кетай,  
Қайлардасан, эй, ўз севгани бор қиз.

Шумиди сен айтган соф мухаббатинг,  
Айтгин, шумиди сенинг садоқатинг.  
Кайда бўлсанг севиб колар Хурсандинг,  
Қайлардасан, эй, ўз севгани бор қиз.

## ДИЛНОЗА

Хаёлимни олиб қўйган эй, санам,  
Ўйларимда колиб қўйган эй, санам.  
Дилга ўтлар солиб қўйган эй, санам,  
Бир туйғу севгидан бермокда дарак.  
Дилноза сени деб урмокда юрак.

Бир бор бокишинга боғланди дилим,  
Шўх-шўх кулишингга чоғланди дилим  
Сен бир сўз айтингу тоғланди дилим,  
Сенсиз менга юрак айтгин не керак.  
Дилноза сени деб урмоқда юрак.

Бир дам вужудимни жон тарк этганда,  
Нигоҳинг дилимга сингиб кетганда,  
Туйғуларим сенга изҳор этганда,  
Иzlаринда зинҳор қилмагин халак,  
Дилноза сени деб урмоқда юрак.

Севгингни тутмагин энди пинҳона,  
Ахир хаёлимда ўзинг ягона,  
Ёлизим бошқа ҳеч топмай баҳона,  
Хурсанд учун бўлгин суюкли малак.  
Дилноза сени деб урмоқда юрак.

### **СЕНИ СЕВМАЙ БЎЛАРМИ**

Тўлин ой ҳам бош эгар юзларингга,  
Бағри тош ҳам юмшалар сўзларингга.  
Барча бунча термулар кўзларингта,  
Шунда сени севмай бўларми ахир.

Васлингни қуёшга қиёслаб бўлмас,  
Қанча тарифласам ҳеч кўнглим тўлмас.  
Хуснингга боксам-да кўзларим тўймас,  
Шунда сени севмай бўларми ахир.

Тунлари маржондек тизилар юлдуз,  
Хаттоки кўзлардек сузилар юлдуз.  
Сенинг кўзинг маржон кеча-ю кундуз,  
Шунда сени севмай бўларми ахир.

Бир бокишингда бўлдим хуснинг гадоси,  
Дук-дук урган юрагингни садоси.  
Бордир мендек қанча ишқинг адоси,  
Шунда сени севмай бўларми ахир.

## **СИРЛИ БОКИШЛАРИНГДАН**

Тинч ёттан түйфулар уйғониб кетди,  
Жоним сенинг сирли бокишиларингдан.  
Юракгинам бирдан түлғониб кетди,  
Жоним сенинг сирли бокишиларингдан.

Шириң хислар тинчлик бермаса нетай,  
Хуснинг күз олдымдан кетмаса нетай.  
Тунлар күзга уйқу келмаса нетай,  
Жоним сенинг сирли бокишиларингдан.

Севги суурорли деб суйиб қоламан,  
Гоҳо мұхаббатдан түйиб қоламан.  
Шириң орзуларни түйиб қоламан,  
Жоним сенинг сирли бокишиларингдан.

Үн беш кунлик ойнинг нури сенгадир,  
Дилнинг ҳеч ким билмас түри сенгадир.  
Орзуларимнинг энг зўри сенгадир,  
Жоним сенинг сирли бокишиларингдан.

## **ҚАЙГА БОРАМАН?**

Яна ўтли нигоҳ бокишинг истаб,  
Ўша илк учрашган жойга бораман.  
Майли, куйсин, дилни ёқишинг истаб,  
Сирларинг яширин сойга бораман.

Ҳәётим боримни кўрмадингми деб,  
Тунлари зоримни кўрмадингми деб,  
Бир эрка ёримни кўрмадингми деб,  
Гоҳ ўзи безовта ойга бораман.

Ўзинг билмай бошга бало қилибсан,  
Туним хам кундузим каро қилибсан,  
Мұхаббатдан дилни яро қилибсан,  
Даво истаб гоҳо майга бораман.

Мисоли қунчадек бўйларинг чалган,  
Гоҳо ширин-ширин ўйларинг чалган,  
Мендан ўзга билмас куйларинг чалган,  
Ўша сирли садо найга бораман.

Исминг дилда ўчмас садо қилдинг сен,  
Ишқинг йулларида гадо қилдинг сен,  
Хурсандни бунчалар адо қилдинг сен,  
Энди сени излаб кайга бораман?

### МАҲЛИЁ

Энди ўзинг қайлардасан эй, пари,  
Жамолингта мени этиб маҳлиё.  
Танга ҳаво керак каби сингари,  
Нетай, сенсиз, яшолмасман, Маҳлиё.

Ахир, пойингга баҳш этганиман борим,  
Шунда ҳам мен томон бокмадинг қиё.  
Не куйларда колиб кетса ҳам борим,  
Нетай, сенсиз, яшолмасман, Маҳлиё.

Умидлар сен томон юриб турибди,  
Дилимда хис қайда! Йўқдир бир зиё.  
Юрак сен деб зўрга уриб турибди,  
Нетай, сенсиз, яшолмасман, Маҳлиё.

Агар ёнимда сен йўқ бўлсанг бир дам,  
Ишқ боғимда унмагайдир хеч гиё.  
Менинг тиним ўғирлаган эй, санам,  
Нетай, сенсиз, яшолмасман, Маҳлиё.

Фақатгина бўлма мен учун кайфу,  
Сен йўқ бу ҳаётим тўхтайди гүё.  
Жамолингга етиш Хурсандга орзу,  
Нетай, сенсиз, яшолмасман, Маҳлиё.

## МУҲАББАТ

Мухаббатни не деб сўрсалар мендан,  
Хаётнинг маъноси дердим шу заҳот.  
Хижронда гоҳ сўлиб, гоҳо гуллаган,  
Гулларнинг раъноси дердим шу заҳот.

Севиб севгисининг адоси бўлган,  
Ишкнинг гумбурлаган садоси бўлган,  
Ёрининг йўлида фидоси бўлган,  
Мажнуннинг Лайлоси дердим шу заҳот.

Мухаббатдан дилга бориб тегса ўқ,  
Ундан қутилишнинг ҳеч иложи йўқ  
Севгини азоб деб ўйламанг сиз, йўқ,  
У бахтнинг дарёси дердим шу заҳот.

Ширин хаёлларда окиб тўймаган,  
Дилга ишқ ўтини ёкиб тўймаган.  
Ёрининг васлига бокиб тўймаган,  
Асли хусн шайдоси дердим шу заҳот.



# **ХУРСАНД КАРИМОВ**

## **Орзулар қанотида**

*(шевълар)*

*Нукус  
«Қарақалпақстан»  
ўзбек тилида*

Бош мухаррир  
Мухаррир  
Бадий мухаррир

*Жиіенбай Избасканов  
Гулистан Пирназарова  
Көшкінбай Рейпназаров*

ИБ № 34

Теришга берилди 25. 12. 07. Босишта рұксат этилди 11. 08. 08. Қоғоз бичими 84 x 108 мм. Офсет услубида босилди. Гранитураси—«Таймс» Ҳажми 0,5 б.т. 0,84 шартлы б.т. 0,83 хисоб б.т. Нашр 1000 нұсқада. Буюртма № 277. Баҳоси шартнома бўйича.

«Қарақалпақстан» нашриёти: 742000 Нукус шахри,  
Қарақалпогистон күчаси 9

«ARNAPRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент, X. Бойқаро кучаси, 41